



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (13.022)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДХ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Қозоғистон Республикасида бўладиган мажлисида иштирок этади.

Давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида МДХ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

"DIPLOMAT MAGAZINE":

"МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИДАГИ ТОМ МАЪНОДА МУҲИМ ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ"

Бельгия ва Нидерландиянинг нуфузли "Diplomat magazine" журнали саҳифаларида "Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги нишонланди" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Материалда Нидерландиянинг Гаага шаҳрида бўлиб ўтган, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётга бағишланган тақдирот тафсилотлари қаламга олинган. Мазкур тадбирда сиёсий жамоатчилик, эксперт, ишбилармон, маданий доиралар ҳамда дипломатия миссиялари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

"Мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиб бергани ҳолда, мамлакат ҳаётининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборувчи, халқни эски тоталитар тузум асоратларидан халос қилган том маънодаги муҳим тарихий воқеа бўлди", дея ёзилади нуфузли нашрда.

Мақолада Ўзбекистон тарихан қисқа давр мобайнида асрларга тенг йўлни босиб ўтгани ҳамда бугун барқарор сиёсий тизим ва кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган замонавий мамлакатга айлангани эътироф этилган.

Шунингдек, ҳозирги пайтда республикамиз дунёда иқтисодий тез суъратлар билан ўсиб бораётган давлатлар ичида бешинчи ўринни эгаллаб турганига алоҳида урғу берилган. Хусусан, унда ҳорижий ҳамкорлар билан амалга оширилиши кўзда тутилган, умумий қиймати 38 миллиард АҚШ доллари тенг бўлган 870 та йирик сармоявий лойиҳаларни қамраб олувчи 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация

қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига катта аҳамият қаратилган.

"Президент Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳамда жамият ҳаётида жиддий янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимияти асослари ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмасини кенг миқёсда ислоҳ этишни кўзда тутди", дея қайд этилади мазкур манбада.

Мақолада келгуси йили Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида битим имзоланганига 20 йил тўлиши таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳужжат юртимизнинг ЕИ ҳамда унга аъзо давлатлар, жумладан, Бельгия ва Нидерландия билан икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириши учун ҳуқуқий пойдевор бўлгани айтиб ўтилган.

"Diplomat magazine" журналида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Кириллиги ўртасида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан узоқ муддатли амалий шериклик муносабатларини босқичма-босқич тараққий топтириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хулоса сифатида таъкидлаб ўтилган.

"Жаҳон" АА.
Нидерландия

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Гулноза Муҳаммадаминова фарзандлари мактабдан ташқари ҳунармандлик, санъат тўғрисида қатнашини хоҳларди. Унинг бу орзуси туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилганидан сўнг ушалди. Айни вақтда мазкур марказ юзлаб ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган.



ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ, ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БЕРУВЧИ МАСКАН

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолига қулай турмуш шароити яратиш, уларнинг маданий ҳордик чиқариши, ёш авлоднинг билим ва дунёқарашини бойитишдек эзгу мақсад муҳимдир. Бу жараёнда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, истироҳат боғлари, спорт ва санъат иншоотлари барпо этилаётгани ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишини ташкил этиш ҳамда юртдошларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси берган маълумотларга кўра, пойтахтимизда 2013-2018 йилларда жами ўттиз тўртта маданият уйлари капитал реконструкция ва мукамал таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаб, маданият ва аҳоли дам олиш марказларига айлантириш белгиланган.

Марказларни капитал таъмирлаш ва фойдаланувчилар учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишда "Biti Production", "Great Progress Trade", "Turon Navqiron Qurilish", "Planshet", "Ruxshona Qurilish Servis", "Polikom-AT" масъулияти чекланган жамиятлари фаол иштирок этмокда.

Бу каби савий-ҳаракатлар самарасида юртимизда асрлар давомида шаклланган халқимизнинг бой маданий мероси, анъана ва урф-одатларимиз асраб-авайланиб, илм-фан, санъат, маданият, спорт каби соҳалар кенг ривожланмокда.

Айни вақтда фойдаланишга топширилган масканларда ташкил этилган халқ ижодиёти, амалий

ва тасвирий санъат, бадий ҳаваскорлик, рақс, театр жамоаси каби тўғрақларда машғулотлар олиб боришмокда. Шунингдек, мумтоз кўшиқ ва маком, миллий чолғу ихрочилиги, карнай-сурнай жамоалари, фольклор-этнографик, бадий сўз санъати, ёгон ўймакорлиги, дурадорчилик, кулолчилик, миниатюра санъати, ҳайкалтарошлик тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйиш ишлари ҳам олиб борилаётир.

Бугунги ёшларга ҳавасимиз келади, — дейди Бектемир туманидаги 13-маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Шухрат Тўраев. — Барча шарт-шароитлар уларнинг келажаги учун хизмат қилмокда. Қувонарлиси, ёшлар нафақат энг яхши нарсалар эгаси, балки унинг яратувчиси ҳамдир. Тўғрақ машғулотларини ҳам асосан билимли, юксак салоҳиятли ёшлар олиб бораётир.

Мамлакатимизда ёш авлод истиқболи йўлидаги эътибор ва ғамхўрлик, улар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасида навқирон ҳамюртларимиз халқаро миқёсдаги концертлар, ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юксак муваффақиятларга эришмокда. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон миқёсида ёш истеъодлар мамлакатни эканлиги эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Бу каби савий-ҳаракатларнинг барчаси санъат, маданият ва спорт соҳасида истеъодли ёшларни рағбатлантириш, уларни қўлаб-қувватлаш, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, аҳолига қулай турмуш шароити яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 26 йиллигига бағишлаб "Тил, тараққиёт ва маънавият" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Андижонда юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 500 дан зиёд ёш курашчи голиблик учун бахslashди.

● "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Сурхондарё вилояти филиали томонидан "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

● Урганч шаҳрида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Metall silver star" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Металл қувурлар ва турли профиллар тайёрлашга мўлжалланган ушбу лойиҳа рўёби учун 4,1 миллиард сўм миқдорида сармоя йўналтирилди.

● "Қамалак" юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда олтига йўналиш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 480 нафар иқтидор эгаси иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг "Air France" компанияси беш йилдан бери сурункали зарар кўриб келаётгани туфайли қарийб 3 мингта иш ўрнини қисқартиришни лозим топди. Бундай қарор охириги йигирма йил ичида биринчи марта кузатилишидир. Меҳнат шартномалари бекор қилиниши назарда тутилганлар орасида учувчилар, борт кузатувчилари ва бошқа ишчилар бор. Бу эса қасба уюшмалари ҳамда ходимлар норозилигига сабаб бўлапти.

● Руминиянинг Нэводари ва Корбу шаҳарларида ўнлаб уйлар тошқин туфайли сув остида қолиб кетди. Оқибатда мазкур ҳудудларда автомобиль ва темир йўл қатнови ҳам тўхтаб қолган. Ҳозирча бедарак йўқолганлар ёки қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Табиий офат пайтида йўлларда қолиб кетган автомобиллардан 23 киши ўт ўчирувчилар томонидан қутқариб олинди.

● АҚШнинг "Twitter" ижтимоий тармоғи раҳбарияти иш ўринларини 8 фоиз қисқартиришга қарор қилди. Унинг асосчиси ва янги бош директори Жек Дорой шу йўл орқали харажатларни камайтириш мақсадида эканини билдирди. 2006 йилда ташкил этилган мазкур интернет сервиси қисқа вақт ичида дунёда ном қозонди. Лекин ўтган йили мазкур компания 577 млн., жорий йилнинг биринчи ва иккинчи чорақларида эса қарийб 300 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессияси

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усманов олиб борди.

Сессияда кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Шунингдек, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда 2015 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Статистика бошқармаси ва туман ҳокимликлари 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли

бандлигини таъминлаш дастури ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган қўшимча дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан таъсирчан мониторинг олиб бориш кўрсатиб ўтилди.

Янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган қўшимча дастурга асосан 2015 йил давомида яратилган янги иш ўринлари манзилли рўйхатининг шаклланиши учун маълумотларнинг Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига тақдим этилишини таъминлаш, дастурлар доирасида ҳудудда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш чораларини кўриш, манзилли дастурларга киритилган қорончаларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари ҳар ойда қамада бир марта 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ўрганиш, туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама этиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш чораларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллик якунлари ижросига оид масала кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича шаҳар ва туман ҳокимларининг қарор ва фармойишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдирномаларга асосан 2015 йил биринчи ярим йиллик давомида маҳаллий бюджетга киритилган ўзгаришлар тасдиқланди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ўтказилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг 2015 йилнинг ўтган давридаги фаолияти, жумладан, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашдаги иштирокини ўрганиш якунларидан келиб чиқадиган вазифалар атрофича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қара-

тилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси кўрилиб, туман ҳокимликлари, масъул бош бошқарма, бошқарма ва ташкилотлар зиммасига "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг ижроси бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, лойиҳалар ва топшириқларнинг ижросини ўз муддатида ва сифатли таъминлаш, аҳоли ва айниқса ёшларнинг ҳуқуқий билимлари ва сиёсий фаоллигини янада

да маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилди.

Унга кўра шаҳар ҳудудидаги кўп қаватли уй-жой фонди объектларини 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича барча маҳаллаларда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компанияларида, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, академик лицей, олий таълим муассасалари, шифохона, оилавий поликлиника ва коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги барча ташкилотларда киш

мавсумига тайёргарлик кўриш учун ишлаб чиқилган Дастурларда белгиланиб охирига етказилмаган ишларнинг тўлиқ ва сифатли якунланиши белгилаб қўйилди.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Учтепа туман ҳокимлигининг ҳисоботи муҳокама этилди.

Шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ошириш мақсадида янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тушунириш ишларининг самарадорлигини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги "Республикамиз иқтисодиёти тармоқларини 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсади-

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2009 йил 21 декабрдаги 64/200-сонли резолюциясига асосан 13 октябрь Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунига деб белгиланган.

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ — ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Мазкур сана муносабати билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ташкил этилади. Содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб бориладиган ишлар сарҳисоб қилинади. Жумладан, Миллий матбуот марказида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжумани ҳам Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзгидромет маркази, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вакиллари иштирок этган тадбирда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, табиий офатлар хавфини камайтириш, бу борадаги чора-тадбирларни самарали ташкил этиш, ҳодимлар малакасини ошириш ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда содир бўлиш хавфи бор фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, табиий офатларнинг хавфини камайтириш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикамиз ҳудудида гидрометеорологик ҳодисаларни прогноزلатириш, сел-тошқин ва қор кўчкиси хавфи бор ҳудудларни баҳолаш, банд тоғлардаги мавжуд кўллар, қор заҳираларининг ҳолатини ўрганиш мақсадида ҳар йили аэровизуал кузатувлар олиб борилади. Жорий йилда Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг банд тоғли ҳудудларида жами 8 маротаба ана шундай кузатувлар амалга оширилди.

Шунингдек, Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати томонидан баҳорги ва кузги мавсумда кўчки хавфи ҳудудлар тўлиқ ўрганиб чиқилди. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 февралдаги "Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчкиси ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги "2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, ўтган давр мобайнида Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги хавфли ҳудудларда яшовчи, кўчирилиши лозим бўлган

аҳолининг 202 нафари вақтинчалик, 604 нафари доимий хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Хавфсиз ҳудудларга кўчирилган аҳоли турар жойларида санитария-гигиена ва эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар олиб борилади.

Шу билан бирга, Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар гуруҳига кирувчи ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Аҳоли ва ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигининг олдини олиш, қорва моллари ва уй ҳайвонларини сақлаш қоидалари бўйича тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилади. 100 минг бошдан ортиқ қорамол ва салкам 62 минг та итлар кўрикдан ўтказилди. Юқоридаги тадбирларни ташкиллаштиришга 10123 нафар тиббиёт ходими, 3500 нафар ветеринар, 450 нафар профилактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари жалб этилди.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳолини фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича ҳам ишлар олиб борилаётир. Таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳодимлари орасида фуқаро муҳофазаси кунлари, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда амалий ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида 2010-2015 йиллар давомида 10 мингдан ортиқ суҳбатлар ўтказилиб, уларга 583951 нафар аҳоли жалб этилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро муҳофазаси институти негизда таълим олувчиларда зилзилалар пайтида ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида, амалий машғулоти ўтказиш учун зилзилаларни симуляция қилиш маркази ишга туширилган, — дейди Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаз қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Ғуломов. — Шунингдек, табиий офатнинг бу турига аҳолини тайёрлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Зилзила вақтида аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида жойларда 2015 йил давомида 358 дан ортиқ суҳбатлар ўтказилиб, уларда 14491 нафар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли иштирок этди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИМКОНияТ ВА ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ

Тошкент педагогика касб-хунар коллежиди "Адолат" социал-демократик партияси ва "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ёшларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини янада кучайтириш, ёшларнинг тадбиркорликка оид лойиҳаларини банк кредитлари билан таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека, истеъмор ва таълим кредитларини имтиёзли шартлар асосида ажратиш ҳақон банклари эътиборини тортаятгани мамлакатимиздаги кредитлаш тизими рейтингини юқори поғонага кўтарилганидан далолатдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида коллеж битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 34 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди, — дейди ЎЗА муҳбирига "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг кредитлаш департаменти бошлиғи Ирода Қосимова. — Бу каби саъй-ҳаракатлар ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Андижон, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган тадбирларда касб-хунар коллежлари битирувчиларига 160 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган банк сертификатлари топширилди.

Тадбир давомида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва банк мутахассислари коллеж ўқувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес-режа тузиш, унга банк кредитлари ажратиш тартиблари юзасидан атрофлича маълумот берди.

Коллеж ўқувчиларидан бир гуруҳининг бизнес-лойиҳалари маъқулланиб, ҳар бирига 6,5 миллион сўмлик микрокредит учун сертификат топширилди.

Бандлик дастури — амалда

Ёшларга кўмакчи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳаракатнинг Мировод туман бўлими ҳузурида ташкил этилган "Ёш тадбиркор" маслаҳат маркази йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида янги иш ўринлари яратилаётгани, бандлигини самарали шакллари ривожлантирилаётгани, меҳнат бозорига фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани аҳолини ижтимоий муҳофаз қилишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, бу саъй-ҳаракатлар ёшларнинг ўз соҳаси бўйича бандлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, оилалар фаровонлигига эришишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Ушбу лойиҳа давомида ёшлар "Яккасарой" технопарки ҳамда "Контекст-Тошкент" тикувчилик фабрикаларидаги иш жараёни, ишчилар учун яратилган шароит билан танишди. Корхоналар мутахассислари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошлаш шартлари, фаолият олиб бориш учун зарур жиҳозлар танлаш юзасидан ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Юртимизда биз, ёшларнинг муваффақиятли бизнес юритиши учун барча имконият яратилган, — дейди ёш тадбиркор Зарногор Умарова. — Жорий йилда коллеж тамамлаб, акциядорлик тижорат "Ипотека-банк"нинг Мировод туман бўлиmidан ажратилган ўн миллион сўм кредит эвазига пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналар билан ҳамкорликда харидорларга маҳсулот етказиб берувчи яқка тартибдаги тадбиркор сиёсатида фаолиятини бошладим. Ушбу бизнес лойиҳамни амалга оширишда "Ёш тадбиркор" маслаҳат марказининг ҳиссаси катта бўлди.

(ЎЗА)



Замонавий технологияларни қўллаш — тараққиёт гарови

Янги қонун кучга кирди

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Жорий йилнинг 4 сентябрида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири кенг жамоатчилик вакиллари, таълим даргоҳларининг мутахассис ўқитувчилари томонидан чуқур ўрганилмоқда.

8 та боб, 47 та моддани ўз ичига олган қонун ўсиб келаётган фарзандларимизни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб, мустақил ҳаётга тайёрлашда давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ваколатларини яна бир қарра белгилаб берганлиги билан шахримиз аҳолисида ҳам катта қизиқиш ва мамнуният уйғотмоқда. Қонуннинг 29-моддаси бевосита таълим тизимида амалга ошириладиган жисмоний тарбия ва спорт ишларига бағишланган бўлиб, унинг учинчи ва тўртинчи бандларида: "таълим олувчиларда индивидуал қобилиятлари ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларини шакллантириш; ўқув машғулоти пайтида жисмоний тарбия тадбирларини амалга ошириш" каби сўзлар қайд қилинган. Бу вазифа мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Яшнобод туманидаги 153-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси матбуотда эълон қилинган ушбу қонун матни билан тўлиқ танишиб чиқиб, унинг ижросини таъминлашга киришди. Нафақат жисмоний тарбия фани ўқитувчи ва мураббийлари, балки бошқа фан ўқитувчилари ҳам ушбу қонунни янги таҳрирда қабул қилинишидан кўзланган мақсади чуқур англайди. Мактабда ўқувчиларга жисмоний тарбия фанини ҳар жихатдан пухта ўқитиш учун етарли база мавжуд. Қишқи спорт залидан ташқари ҳовлида 80х50 ҳажмдаги ёзги майдон, 6 та турник ва махсус скамейкалар ўқувчи хизматига. Ўқувчиларнинг барча фанлар қатори жисмоний тарбия бўйича давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малака меъёrlарини ҳосил қилишга назарий ва амалий машғулоти янги ўз вақтида ўтказиш орқали эришилмоқда. Мактабда фаолият кўрсатаётган 5 нафар мураббий умум-

таълим фанлари билан бир вақтда спортсевар ёшлардан 150 нафарини ҳафтанинг 6 кунли мобайнида миллий кураш, жисмоний тайёргарлик, дзюдо, кўл жанги ҳамда инглиз тили тўғрақларида шуғуллантириб келмоқдалар. 2011 йилдан бошлаб фаолияти йўлга қўйилган ушбу тўғрақлар "Олимпидер" клубига бириктирилган. Клуб аъзоларининг Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги ва республика миқёсида эришаётган муваффақиятлари мураббийлар саъй-ҳаракати маҳсулидир.

— Спорт — саломатлик гаровидир. Давлатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли фарзандларимиз дунё миқёсидаги, ақин хориж давлатлари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни болалар, ўсмирлар ва катта ёшлар билан спортини ривожлантириш учун давлат миқёсида қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Биз жисмоний тарбия мураббийлари унинг мазмун-моҳиятини нафақат ўрганишимиз керак, балки ижросини таъминлашга ҳам масъулмиз, — дейди "Олимпидер" клуби раҳбари, халқаро тоифадаги спорт устаси Бунёдбек Қўшоқов.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган давлат миқёсидаги эътибор ҳар бир умумтаълим муассасаси педагогик жамоасини янгидан-янги марраларга ундайди. 153-мактаб жисмоний тарбия ўқувчиларида ҳам худди шундай ният бор. Янги 2015-2016 ўқув йили бошида клуб аъзолари фойдаланадиган мосламалар харид қилиниб, мактабнинг моддий-техник базаси янада бойитилди. Бу спорт жиҳозларининг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Спорт янгиликлари



Темур Мамадаминов олган сурат

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги “Камолот-спорт-саломатлик” мажмуасида спортнинг бадий гимнастика тури бўйича “Камолот” гуначалари қизлар спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа “Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш, спортнинг гимнастика турини кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— “Камолот” ёшлар иқтимоий ҳаракатининг асосий фаолият йўналишларидан бири, бу — ёшлар орасида жисмоний баркамоллиқни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари, халқ ўйинларини ривожлантиришга қўмаклашиш, турли мусобақа ва турнирлар ўтказишдан иборатдир, — дейди “Камолот” ёшлар иқтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизматининг етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Мазкур йўналишдаги фаолият Харакат тизимлари томонидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилётган турли лойиҳалар, спортнинг оммавий турлари бўйича ўтказилаётган мусобақа ва турнирларда ўз аксини топтоқда. “Камолот” ЁИХ ташаббуси билан аънаваний тарзда ўтказиб келинадиган “Камолот” маликаси, “Камолот” шахмат тахтаси, “Камолот” гуначалари, “Шункорлар” ҳарбий-спорт, спортчи қизлар ўртасида “Тумарис — спорт маликаси” мусобақалари шулар жумласидандир. “Камолот” гуначалари аънаваний республика очiq турнирида пойтахтимизнинг 1727 нафардан ортиқ спортчи қизлари иштирок этди. Ўз ёш тоифалари бўйича биринчи ўринни

қўлга киритган 5 нафар қизларимиз республика босқичида пойтахт номини ҳимоя қиладилар.

Иштирокчиларнинг бир-биридан гўзал чиқишлари, моҳирона ҳаракатлари йиғилганларни ҳайратлантирди. Фарзандлари учун ҳаяжонланиб, ютуқдан фойдаланиб турган оналардан бирини сўхбатга қорлади.

— Қизим Мадина Сергели туманидаги 22-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика тўғрисида боради, — дейди Гўзал Қайумова. — 6 ёшдан бери мазкур спорт турининг нозик жиҳатларини ўрганиб келмоқда. Бу борада устози Лүция Илфатовнанинг хизматлари бекиёс. Республикада ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиб, фойдаланиб ўринларни эгаллаб келмоқда. Мени қувонтирадиган жиҳати — қизим соғлиғидан умуман нолимайди. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Мусобақа шартларида кўра беллашувда 11-15 ёш тоифаси бўйича қизлар қатнашди. Туман босқичларида қўлиб олишга қўлга киритган 55 нафар қизлар мусобақа садалари остида ўз чиқишларини намойиш этдилар.

— “Камолот” гуначалари” спорт мусобақасининг туман босқичида қўлиб олиш, шаҳар босқичида иштирок этганидан жуда хурсандман, — дейди Лазокат Эшбоева. — Олмасор туманидаги 39-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийимиз Азиза опа Зиёдовадан гимнастика бўйича таълим олмакдман. Мусобақада дўстлар орттирдим. Спортдан ташқари тўқиш, бисердан буюмлар ясашга қизиқман.

Натижаларга кўра Муштарийбегим Шоназарова, Инесса Кишук, Ўғуллой Азизова, Дияра Зиёвдидинова, Нозима Жўраева ўз ёш тоифаларида биринчи ўринни эгалладилар.

Турнир якунида қизғин ва мurosасиз кечган мусобақа қўлиб ва фаол иштирокчилари диглом ва медаллар, фойдаси ёрлик ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Божхона

ҚОИДАБУЗАР “КАШАНДАЛАР”

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркисисиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг юртимизга олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

“Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида божхона комплекси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 45 та божхона қоидабузарликлари фош қилиниб, қиймати 93 миллион сўмдан ортиқ бўлган салкам 16 минг қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, “Тошкент-Истанбул” рейси бўйича сафарга отланган фуқаро С.Аҳмедовга (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) тегишли юклар ҳолислар иштирокида божхона кўригидан ўтказилганда, унда йўловчи божхона декларациясида қайд этилмаган, божхона ходимларининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг акциз марказлари билан марказланган 500 қўти “Kent” сигаретлари яширилганлиги маълум бўлди.

Фуқаро Ш.Ботиров ҳам Москвага қуруқ қўл билан кетгиси келмади чоғи, парвоз олдидан қўл юкларига жойланган қийимлар орасига 400 қўти “Pall Mall” сигаретларини яширганча, божхона назорати ҳудудига қилиб келди. Аммо, унинг безовталаниши қингир қилмишларини фош қилиб қўйди. Ҳолислар иштирокидаги божхона кўригидан сўнг мазкур тамаки воситалари ўрнатилган тартибда қонунбузардан олиб қўйилди.

“Шаржа-Тошкент” рейси бўйича парвозини якунлаган А.Саидкабаров Тошкент халқаро аэропортидан ўзига тегишли юкларни кутмасдан жуфтаникни ростлаб қолганлигининг сири эртасига фош бўлди. У тақдим қилган йўловчи божхона декларацияси маълумотларига асосан юклари божхона кўригидан ўтказилганда улар орасида юртимизга ноқонуний равишда олиб кирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг акциз марказлари билан марказланмаган қиймати 31 миллион

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайshanba ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
6325 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки “Тошкент почтамити”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ўғил-қизларни
санъатта ошно этиб

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўтган даврда ушбу дастур доирасида 278 болалар мусиқа ва санъат мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шу жумладан, 136 мактаб янгидан барпо этилиб, 142 тасида капитал реконструкция ишлари амалга оширилди. Улар 137 миллиард сўмлик мусиқа асбоблари, овоз қўнайитиригич, мебель ва замонавий ускуналар билан жиҳозланди. В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари ҳам капитал реконструкция қилиниб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабларга етказиб берилган мусиқа асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўйича ҳудудларда 14 таъин болалар мусиқа ва санъат мактаби белгиланиб, уларда мусиқа чоғуларини таъмирлаш устаноналари ташкил этилди. Ушбу даргоҳларда мутахассислар учун мунтазам ўқув-семинарлар ташкил этилиши йўлга қўйилди.

2008 йилда ушбу таълим масканларида 9 йўналишда билим берилган бўлса, болаларнинг қизиқиши ва ҳудудий ҳусуниятлар иноватга олинган ҳолда, ўқув дастурларига қўшимча яна туртта — театр санъати, тасвирий санъат, амалий санъат ва академик хонандалик йўналиши киритилди. Бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактабларида 13 йўналишда 53 ихтисослик бўйича ўқувчиларга жаҳон ҳамда миллий мусиқа сирлари ўргатишмоқда.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилган замонавий шaroитлар натижасида уларга ўқувчиларнинг қамрови аввалгиларига нисбатан 1,5 баробар ортиб. 2008 йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларида мамлакат бўйича 38034 ўқувчи таълим олган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 49 фоизга ошиб, қарийб 55 мингга ташкил этмоқда. Мазкур мактабларда 9622 педагог ўз маҳоратини навқирон авлодга ўргатиб келмоқда.

Болаларнинг билим ва маҳоратини ошириш, истеъдодини рағбатлантириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ижодий танлов ва фестивалларни ўтказиш аънамага айланган. Жумладан, “Она юрт оҳанглари” халқаро танлови, “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Санъат гуначалари” кўрик-танловлари, “Камалат” юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали, “Наврўз садолари” миллий чоғу ансамбли ва оркестрлар фестиваллари анги истеъдод соҳибларини кашф этишдек эзгу мақсадларга қизғин қўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълум қилишларинча, 1991 йилда 3 ўқувчи халқаро танловларда иштирок этган бўлса, 2008 йилда халқаро танловларда қатнашиб совринларни қўлга киритган ўғил-қизлар 31, 2015 йилда улар сафи 105 нафарни ташкил этган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мусиқа таълимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида ҳар йили ўнлаб янги истеъдод соҳиблари кашф этилаётди, — дейди В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамоллова. — Мазкур соҳага тааллуқли дастурий ҳаётга жорий этилиши натижасида билим масканининг наизки юртошларининг, балки хориқликлар ҳавас қилса арзийдиган мухташам бинода фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу масканда болаларга фортепьяно, торли, дамли ва зарбали чоғулар, халқ чоғулар, аънаваний хонандалик, эстрада ва аънаваний икромчилик, мусиқа назарияси, хор дирижёрлиги каби йўналишлар бўйича таълим берилмоқда. Ўтган давр мобайнида лицей ўқувчилари қўлаб халқаро танловлар, фестиваллар, санъат байрамларида муваффақият қозонди. Жорий йилнинг ўтган даврида қирқ нафарга яқин истеъдод соҳиб Франца, Италия, Германия, Руминия, Болгария, Хитой каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритди. Шахзода Саидова, Латифа Гафурова, Юлдуз Хўжаева, Шахбоз Тургунов, Анна Дўстмуродова сингари ўғил-қизларнинг истеъдоди ва икром маҳорати хориқлик ҳакамлар ҳайъати, томошабинлар томонидан юксак эътироф этилди.

Лицей ўқувчиси Иноятхон Абдуллаева юртимиз давруғини хорижда машҳур қилаётган ёшлардан. Ўш пианиночи Италия, Руминия каби мамлакатларда бўлиб ўтган танловларда муваффақиятли иштирок этган.

— Мусиқа инсонни зағулкига ўргатади, — дейди Иноятхон. — Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор сабабли мен шундай ютуқларга эришдим.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислохотлар замирида ўғил-қизларнинг истеъдодини қамол топтириш билан бирга билимли, теран маънавиятли, кенг дунёқарашли авлоднинг шакллантиришдек олижаноб мақсад мўжассам, — дейди Тошкент шаҳри Яксароди туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори ўринбосари Одина Раҳимова. — Санъатни орақдан ҳис этган, унга болаликдан ошно бўлган инсоннинг қалби эзгуликка лиммо-лим бўлади. Яхши мусиқа боланинг бадий-эстетик дили, маънавий-ахлоқий фазилатлари, дунёқарашини тўғри шакллантиришнинг энг муҳим воситасидир.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилашга ил Давлат дастури доирасида ушбу мактаб биноси янгидан бунёд этилди. Бу ерда 12 йўналиш бўйича болаларга таълим берилди. Мактаб ўқувчилари мамлакат миқёсидаги танловлар билан бирга халқаро фестивалларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Мактаб ўғил-қизларининг Италия, Болгарияда ўтказилган халқаро танловлардаги зафарлари бунинг амалий исботидир.

Бу Президентимиз раҳнамолигида истиқбол йилларида юксак маънавиятли, соғлом, мустақил ва теран тафаккурли, иқтидорли авлоднинг қамона етказиш борасидаги ибратли ишларнинг амалий натижасидир.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

кечаси 11-13, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,

Тошкент шаҳрида 16 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шaroити ўзгариб туради, вақтинча шаҳар ҳаво муҳитида завақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан гарбга томон селкунда 7-12 метр тезлик-ият яратди, ифосиланса да шамол эсади. Ҳарорат даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайshanba ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
6325 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ